

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

«РЎЙХАТГА ОЛИНДИ»

№ ВМ - 343 - 3400 - 3.20

«09» ___ 08 ___ 2003 й.

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

С.Туляиов

«1» июль 2003 й.

“МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ”

фанидан

ДАСТУР

**340000 - “Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасидаги барча бакалаврият
йўналишлари учун**

Тошкент - 2003

Тузувчи: проф. М. Ҳамраев.

Тақризчилар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, и.ф.д., проф. қ.А.Абдуллаев
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, и.ф.н., доц. А.Набихўжаев

шбу дастур Давлат таълим стандартига мос ҳолда бакалаврият талабаларига “Миллий ҳисоблар тизими” фанини ўқитиш учун тузилган. Дастурда курснинг структураси, ўқтилиш мақсади ва вазифалари, талабаларнинг билимига, ўқувига ва кўникмасига қўйилган талаблар белгиланган. Боблар бўйича маъруза ва амалий машғулолар мавзулари мазмуни ва адабиётлар рўйхатлари келтирилган. Дастур БМТ нинг МҲТ - 93 даги муҳим масалаларни ўз ичига олади.

Данная программа составлена в соответствии Государственным образовательным стандартом для обучения дисциплины бакалавриата “Система национальных счетов”. В ней указаны цели и задачи дисциплины, требования к знаниям студентов, а также приведены содержания тем лекционного материала, практических занятий и самостоятельного изучения. Программа охватывает все важнейшие вопросы СНС ООН 1993 г.

The given program is made in according to the State educational standard for training of discipline bachelors " System of the national accounts". The purposes and tasks of discipline, requirement to knowledge of the students are specified in it, and also the names of the chapters and theme of a lecture material, practical employment and independent of study are given. The program covers all major questions of SNA UN of 1993.

Дастур Тошкент молия институти илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия қилинган (2002 йил 25 апрель 9 - сонли баённома).

1. СЎЗ БОШИ

Ўқитишнинг мақсади ва вазифаси.

Ҳозирги пайтда жаҳоннинг 150 дан кўпроқ мамлакатида миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) қўлланилмоқда. МҲТ - иқтисодий жараёнларни макродаражада баён ва анализ қилишнинг иқтисодий информация тизимидир. МҲТни билмаслик бозор иқтисодиётида ўзаро алоқаларни ўрганиш, самарали ижтимоий сиёсатни ўтказишга ва иқтисодий бошқаришга тўсқинлик қилади. Шунинг учун Миллий ҳисоблар тизими бўйича билимлик даражаси, ҳозирги замон иқтисодчи ва молиячиларни тайёрланиши даражасига баҳо беришда мезон сифатида хизмат қилади.

Бу фанни ўқитишдан мақсад МҲТ нинг асосий концепциялари, тушунчалари ва кўрсаткичлари билан таништириш, талабаларда

макродаражадаги реал иқтисодий информацияларни анализ қилиш кўникмаларини пайдо қилишдир.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, уқувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар

Талабаларга бу фан ўқитгандан сўнг Олий касбий таълимнинг Давлат стандартидаги 5340000 соҳанинг қайд қилинган йўналишлари бўйича бакалавр тайёрлаш савияси ва мазмунига «Миллий ҳисоблар тизими» фани бўйича минимум талабларга жавоб бермоғи даркор.

Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси

МХТни ушбу дастурда ўқитишдан олдин талабалар иқтисодий назарияси, макроиқтисодиёт, статистика, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий - математик фанларини ўзлаштирган бўлишлари зарур ҳамда талабалар ШЭҲМ да статистикага оид стандарт дастурлардан ва “Интернет” тизимидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлмоқлари даркордир.

Фаннинг ўқитишдаги янги технологиялар

Ўқув машғулоти компьютар синфларда ўтказилади, статистикага оид стандарт дастурлардан фойдаланилади. Халқаро Молия институтлари (IMF, Unstat, Wbank ва ҳоказо) нинг миллий ҳисобчилик бўйича кўрсатмалари, йўриқномалари, йилномалари, асосида машғулоти ўтказилади. МДҲ статкомитети ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида илмий - услубий шарҳлар ва рефератлар тайёрланади. Тест тизимидан фойдаланилади.

Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажми

Намунавий ўқув режасида бу фанни ўқитиш учун 54 соат, шундан маъруза 18, амалий машғулоти 18, мустақил таълим учун 18 соат белгиланган.

2. ФАННИНГ ДАСТУРИ

Кириш

Миллий ҳисоблар тизими (МХТ) ҳақида тушунча. МХТ нинг мақсадлари. МХТ маълумотларининг истеъмолчилари. МХТ билан бухгалтерия ҳисоби ва халқ хўжалиги баланси ўртасидаги муносабатлар. МХТ нинг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичлари. МХТ нинг назарий асослари, концепциялари ва тушунчалари. Иқтисодий ишлаб чиқариш факторлари концепцияси. Пировард ва оралик маҳсулот, бирламчи даромад ва трансферт, оқим ва захира ҳамда

товар ва хизматлар оқими билан пул оқими ўрталаридаги фарқлар. БМТ ва Евростатнинг МҲТларининг умумий структураси, ўхшашликлари ва фарқлари. Ўзбекистон Республикасида миллий счётлар тизимини жорий этиш ва асосий статистикани жаҳон стандартлари асосида реформация қилиш борасида Давлат дастури ва уни реализация қилиниши.

Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодий агентлар ва уларнинг классификацияси (таснифи). МҲТнинг асосий кўрсаткичлари

Иқтисодий фаолият ва унинг чегараси. Иқтисодий бирликлар ва иқтисодий ҳудуд. Миллий ва ички иқтисодиётнинг секторлар ва тармоқларга бўлиниши. Иқтисодиётни секториал ва тармоқий анализ қилишнинг аҳамияти. Секторлар ва тармоқларни ташкил қилиш критерия (мезон) лари. Номолиявий корпорациялар сектори. Молиявий корпорациялар сектори. Давлат муассасалари сектори. Уй хўжалигига хизмат қилувчи ноижорий ташкилотлар сектори. Уй хўжалиги сектори. Қолган дунё (барча норезидентлик бирликлар).

МҲТ да иқтисодий ҳаракатлар (операциялар). Иқтисодий ҳаракатларнинг классификацияси (таснифи). ҳаракатларни қайд (регистрация) қилиш қоидалари (принциплари). Маҳсулот билан қилинадиган операциялар. Молиявий инструментлар (баҳо, солиқ, субсидиялар ва бошқалар) билан қилинадиган операциялар. МҲТнинг асосий кўрсаткичлари: ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), ялпи миллий даромад (ЯМД) ва миллий ихтиёрдаги ялпи даромад (МИЯД) ва бошқа кўрсаткичлар. Асосий операциялар ва МҲТ нинг асосий кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликлар.

МҲТ счётларининг классификацияси (таснифи)

МҲТ счётлари, уларни тузишнинг умумий қоидалари. МҲТ нинг 1,2,3 - таҳририятларида счётларнинг чизгиси (схемаси). Институционал секторлар, тармоқлар ва иқтисодий операцияларнинг баъзи турлари учун счётлар. Яхлит иқтисодиёт учун счётлар.

Ишлаб чиқариш счёти ва унинг асосий кўрсаткичлари

Ишлаб чиқариш ҳақида тушунча, унинг чегараси. Харид ва нохарид ишлаб чиқариш. Ишлаб чиқариш, сотув, бартер, меҳнатга *натурада* ҳақ тўлаш, ўзаро етказиб беришлар, тайёр маҳсулотлар захирасининг ўзгариши, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва бошқаларни ҳисоблаш. Ялпи ишлаб чиқариш, оралиқ истеъмоли, асосий капитал истеъмоли ва ялпи қўшилган ва соф қўшилган қиймат ҳажмини ҳисоблаш. Ишлаб чиқариш ва оралиқ истеъмолини баҳолаш қоидалари. МҲТ да баҳолар тизими. Иқтисодиётнинг товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳа тармоқларида ва ҳамда сектор ва кичик секторларида

ялпи ишлаб чиқариш, оралиқ истеъмоли, ялпи ва соф кўшилган қиймат ҳажмларини ҳисоблаш хусусиятлари. Маҳсулотга солинган солиқлар ва берилган субсидиялар. *Хуфиёна ва яширин иқтисодиёт кўламини ҳисоблаш.* Яхлит иқтисодиёт буйича ялпи кўшилган қиймат, ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий даромад, соф миллий даромад ҳажмини ҳисоблаш. *Регионал ЯИМ, экологик ЯИМ ҳажмини ҳисоблаш муаммоси.*

Даромадларнинг ҳосил қилиниши ва бирламчи тақсимот счётлари, уларнинг асосий кўрсаткичлари

Даромадлар тўғрисидаги умумий (ДЖ ХИКС, П. ЛИПРЕ) концепция ва МХТда даромадларнинг кўрсаткичлари. Ўзбекистон Республикаси статистикасида даромад кўрсаткичлари: бирламчи даромадлар, пул шаклидаги жорий трансфертлар, ихтиёрдаги даромадлар, *натура* шаклидаги жорий социал трансфертлар, миллий даромад, миллий ихтиёрдаги даромадни ҳисоблаш. Кўшилган қийматнинг таркибий қисмлари: меҳнат ҳақи (нақд ва натура шаклидаги иш ҳақи, ижтимоий суғурта), ишлаб чиқариш ва импортга солинган солиқлар (уларнинг классификацияси), субсидиялар (уларнинг классификацияси), фойда ва аралаш даромад. Мулк даромадлари: фоизлар, корпорацияларнинг тақсимланадиган фойдаси, дивидендлар, рента ва бошқалар. Ялпи ички маҳсулот ҳажмини даромадларни кўшиш услубида ҳисоблаш. Даромадларни иккиламчи тақсимоти счётидаги асосий операциялар (ҳаракатлар). Ихтиёрдаги даромад. Миллий ихтиёрдаги даромад. Трансфертлар: жорий ва капитал трансфертлар, пул ва натура шаклидаги трансфертлар. Ижтимоий суғуртага ажратмалар, ижтимоий нафақалар ва ёрдамлар. Бошқа жорий трансфертлар. Қайта тақсимлашнинг пул ва натура шакллари.

Даромадлардан фойдаланиш счёти ва унинг асосий кўрсаткичлари

Ялпи ички маҳсулот ҳажмини пировард фойдаланиш усулида ҳисоблашнинг зарурияти ва хусусиятлари:

$GDP (ЯИМ) = C + I + G + X_n$ ҳолида ҳисоблаш орқали истеъмол, жамғариш ва ташқи иқтисодий алоқалар ўртасидаги нисбатларни ўрганиш. Сарфлар, харид қилиш, фойдаланиш. Пировард истеъмол. Уй хўжалиги, уй хўжалигига хизмат қилувчи нотижорат ташкилотларнинг пировард истеъмоли. Товар ва хизматларнинг давлат хариди ва унинг классификацияси (индивидуал, жамоа, умумдавлат бошқариш). Жамғариш. Капитал сарфларни молиялаштиришнинг асосий манбалари. Жамғариш, банк депозитлари ва нақд пул ҳажми

динамикаси. Ташқи иқтисодий алоқалар ва уларнинг сальдоси, ундан ЯИМ ҳажмини ҳисоблашда фойдаланиш.

Капитал билан қилинадиган ҳаракатлар (операция) лар счёти

Иқтисодий активлар ҳақида тушунча. Номолиявий активлар классификацияси. Асосий капитал, моддий айланма воситаларининг захираси, қимматли буюмлар, ишлаб чиқарилган ва ишлаб чиқарилмаган моддий ва номоддий активлар. Номолиявий активлар билан қилинадиган ҳаракатлар (кирими, чиқими, такомиллашуви, мулк шаклини ўзгариши). Асосий капиталнинг ялпи ва соф жамғарилиши. Ялпи жамғарилишини ҳисобга олиш, баҳолаш ва қайта баҳолаш. Асосий капиталнинг истеъмоли. Капитал трансфертлар (капиталга солиқ, инвестицияга субсидиялар, бошқалар). Соф ўзлаштириш, соф кредитлаш кўрсаткичлари.

Молия счёти

Актив ва пассивлар баланси. Баланснинг активи ва пассивдаги ўзгаришлар. Активларнинг классификацияси. Ўзига қарашли капиталнинг соф қиймати ва унинг ўзгариши омиллари, ҳажмининг реал ўзгариши. Миллий бойлик - иқтисодиётнинг барча секторларининг ўзига тегишли соф капиталининг йиғиндиси сифатида. МҲТ ва тармоқлараро баланс, уни халқ хўжалиги (моддий) балансидан фарқи ва ўхшашлиги. МҲТ даги тармоқлараро молиявий баланснинг статистик модели. *Тармоқлараро молия баланснинг математик талқини (интерпретацияси).*

МҲТ асосида ялпи ички маҳсулот ҳажми динамикасини ўрганиш

Ялпи ички маҳсулот ва унинг компонентлар (қисмлар)ини ўзгармас баҳоларда баҳолашнинг аҳамияти, принциплари, усуллари. ЯИМ ни қайта баҳолашда тўғри қайта баҳолаш, иккинчи дефляторлаштириш, физик ҳажм индекси ёрдамида экстраполяциялаштириш ва бошқалар. Гершенкрон эффекти ҳақида тушунча. Ялпи ички маҳсулот ҳажми динамикасига таъсир этувчи факторлар ва уларнинг ҳиссасини статистикада баҳолаш.

БМТнинг МҲТси ва бошқа ҳисобчилик тизимларининг хусусиятлари

БМТ, Евростат, Германия, Япония ва бошқа миллий ҳисобчилик тизимларининг ўхшашликлари ва фарқлари. МДҲ республикаларида МҲТ нинг жорий этилиши ва муаммолари. МҲТ нинг асосий кўрсаткичларини халқаро таққослаштириш. Кўп томонли таққослаштириш усуллари:

Гири - Камис усули, ЭКШ усули, Жирарди усули ва бошқалар. МХТ кўрсаткичлари асосида иқтисодий самарадорликнинг даражаси ва динамикасини ўрганиш. МХТ маълумотларидан иқтисодий сиёсатни ташкил қилишда фойдаланиш.

3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ МАВЗУСИНИНГ МАЗМУНИ.

МХТда иқтисодий агентлар ва уларнинг классификацияси, МХТнинг асосий кўрсаткичлари

МХТ нинг асосий кўрсаткичлари. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ). Ялпи миллий даромад (ЯМД), соф миллий даромад (СМД), миллий ихтиёрдаги даромад (МИД) ва бошқа кўрсаткичлар.*

Ишлаб чиқариш счёти ва унинг асосий кўрсаткичлари

Ишлаб чиқариш ҳажмини ўлчаш.* Хуфёна иқтисодиётда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар ҳажмини ҳисоблаш. Ялпи ва соф қўшилган қиймат.* Ўзбекистон Республикасида ЯИМ, ЯМД ҳажмини ҳисоблаш услубияти. ЯИМ структурасининг иқтисодий - статистик анализи.*

Даромадларнинг ҳосил қилиниши ва бирламчи тақсимот счётлари, уларнинг асосий кўрсаткичлари

Бирламчи даромадлар.* Ҳисобга олинмаган даромадлар. Ихтиёрдаги даромадлар. Ўзбекистон Республикасида даромадларнинг ҳосил қилиниши, тақсимланиши ва қайта тақсимланиши статистикаси.*

Даромадлардан фойдаланиш счёти ва унинг асосий кўрсаткичлари

ЯИМ ҳажмини $GDP=C+I+G+X_n$ шаклида ҳисоблаш орқали истеъмол, жамғариш ва ташқи иқтисодий алоқалар ўртасидаги нисбатларни ўрганиш.* Пировард истеъмол.* Жамғариш, банк депозитлари ва нақд пул ҳажми динамикаси.*

Капитал билан қилинадиган ҳаракат счёти

Иқтисодий активлар, уларнинг классификацияси. Асосий капитални ялпи ва соф жамғарилиши ва бошқалар.* Капитал трансфертлар.*

Молия счёти

Молия ҳужжатларининг таснифи. Институционал секторлар молия счёти кўрсаткичларини ҳисоблаш методлари.* Қолган дунё молия счётини тузиш услубияти (методикаси), муаммолари.*

МХТ асосида ЯИМ ҳажми динамикасини ўрганиш

ЯИМ ва унинг компонентларини ўзгармас (солиштирма) баҳоларда баҳолаш усуллари.* Регионал ЯИМ ва Экологик ЯИМ динамикасини ўрганиш хусусиятлари. Инфляциянинг МХТ кўрсаткичларига таъсирини статистик баҳолаш.*

БМТ МХТ си ва бошқа миллий ҳисобчилик тизимларининг хусусиятлари

ЯИМ ва унинг компонентларини халқаро таққослашларда баҳолаш методлари. Кўп томонли таққослашлар. ЯИМ ва унинг компонентларини анализ қилишнинг йуналишлари.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА - НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ

- Кўргазма - намойиш материаллари рўйхати.

Барча мавзулар бўйича статистика жадваллари, чизмалар ва графиклардан фойдаланилади.

IMF, WBank, UNStat, Eurostat, МДХ статкомитети, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистикага оид материаллари (йилномалар, кўрсанмалар, йўриқномалар, статистика шакллари) ўқув машғулотларини ўтказиш жараёнида кўрсатилади ва фойдаланилади.

- Амалиёт дарсларини ўтказишда статистикага оид стандарт дастурлардан фойдаланилади.

- “Интернет” тизими материалларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилади.

5. ЎЗЛАШТИРИШНИ БАҲОЛАШ

Мазкур фаннинг талабалар томонидан ўзлаштирилиши баҳолашнинг қуйидаги турлари ёрдамида баҳоланади: жорий баҳолаш (12,6 баллгача), оралик баҳолаш (12,6 баллгача) ва якуний баҳолаш (10,8 баллгача), жами 36 балл. Бу ушбу фан учун белгиланган максимал баллдир. Баҳолашда қуйидаги шкаладан фойдаланилади.

Назорат ишларини ўтказишда талабаларнинг ўқув машғулотларига қатнашуви, фаоллиги, қўшимча илмий - услубий адабиётлардан , “Интернет” тизими ва статистикага оид стандарт дастурлардан ва реал макро - микро иқтисодий статистика маълумотларидан фойдаланиши ва бошқа фаоллиги эътиборга олинади.

Якуний баҳолаш ёзма иш ёки шаклида ўтказилиши мумкин.

6. ИНФОРМАЦИОН УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТ

Асосий адабиёт

1. Каримов И.А., Иванов Ю.Н. и другие . «Система национальных счётов - инструмент макроэкономического анализа» , Уч.пос. - М.: Финстатинформ, 1996г.
2. Липпе П. Экономическая статистика. Перевод с немецкого, издательство ФСУ ФРГ, 1995г.
3. Национальное счётоводство. Учебник /Под.ред. Кулагиной Е.Д. - М.: Ф и С, 1997.
4. Национальные счёта в переходный период. Издание ООН, 1995г.
5. Салин В.И. и другие Макроэкономическая статистика. Учебное пособие, 2 - е издание, испр. - М: Дело, 2001.
6. Система национальных счётов . Издание ООН, 1993 г.
7. Экономическая статистика. Учебник под.ред.Ю. Н. Иванова – М.: Инфра - М, 1998г.

Қўшимча адабиёт

1. Абрютина М., Грачев А. От бухгалтерского учёта к системе национальных счётов. Вопросы статистики, 1997 г.
2. Горбачева Т.Л., Рыжикова З.А. Методологические подходы измерения занятости в неформальном секторе экономики //Вопросы экономики, 4/2002.
3. Ерошкина С.Б. Платежный баланс в системе макроэкономических показателей // Вопросы статистики, 4/2002.
4. Замараев Б. Модифицированная схема макро - экономических показателей системы национальных счётов. Вопросы статистики, 1997г.
5. Иванов Ю.Н., Хоменко Т.А. Методология исчисления некоторых показателей финансовых операций в СНС // Вопросы статистики, 4/2001.
6. Иванов Ю. К выходу в свет. Новый СНС ООН // Вопросы экономики, 5/1994.
7. Иванов Ю. Перспективы внедрения СНС в практику стран СНГ // Вопросы экономики, 5/1993.

8. Иванов Ю. К вопросу о методологии исчисления продукции финансовых учреждений в СНС // Вопросы статистики. 10/1996.
9. Кевеш А.Л. и другие О комплексной программе развития системы стандартных экономико–статистических классификаций и регистров и их внедрения в статистическую информационную систему в 2001 - 2005 годах //Вестник статистики. 8/2001.
10. Кремлев Н.Д. Некоторые проблемы освоения системы национальных счетов в регионе // Вопросы статистики, 9/1999.
11. Левит С. Пономаренко А. Развитие секторальных расчётов СНС в России. Вопросы статистики, 1997г.
12. Методологическое положение по статистике: Вып 1,2 Госкомстат РФ - М. 1997 г. 1998 г.
13. Международная стандартная отраслевая классификация всех видов экономической деятельности (3 - д ред) - ООН. 1990.
14. Нестеров С. Чобану К. Методологические отражения внешнеэкономических связей в системе национальных счётов России. Вопросы статистики, 1997г.
15. Рекомендации по составлению финансового счёта. Издание статкомитета. СНГ, 1996г.
16. Рекомендации Межгосударственного статистического комитета СНГ по составлению ключевых счетов СНС, 1995.
17. Рекомендации по расчету выпуска, промежуточного потребления и добавленной стоимости по отраслям и секторам экономики. - М.: Статкомитет СНГ, 1999.
18. Симчера В.М. и другие, Энциклопедия статистических публикаций: X - XX вв. - М.: Фис, 2001.
19. Сквозников В.Я. , Азаренкова В.В. Проблемы оценки Теневой экономики // Вопросы статистики. 12/2001.
20. Чобану К. Оценка воздействия инфляции на показатели системы национальных счётов. Вопросы статистики, 1997 г.
21. Чобану К. Проблемы методологии макроэкономического анализа на основе информации СНС //Вопросы статистики, 10/1996.
22. Чурилова Э. Основы методологии проведения досчетов макроэкономических показателей. Вопросы статистики, №8, 1998 г.